34-38 дасб
24 598

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 19 МАЙ, ЧОРШАНБА

№ 34 (6545).
Баҳоси 5 сўм.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА

АНДИЖОН. Яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси Марҳамат туман халқ таълими бўлимининг илғор тажрибаларини оммалаштиришдаги иш услубларини маъқуллаган эди. Шу муносабат билан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва Марҳамат туман халқ таълими бўлимининг ташаббусига кўра, туман услубхонаси базасида амалий-услубий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда Андижон вилоятининг туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари услубхоналарининг мудирлари, мактаб раҳбарлари иши билан шуғулланувчи назоратчи-услубчилар, иқтидорли синфларга эга бўлган мактабларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Амалий-услубий анжуман қатнашчилари Марҳамат туман халқ таълими бўлимининг мудири Расулжон Суннаталиевнинг «Маорифчилар эришган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар», туман маорифчилари услубхонаси мудири Абдухалил Исҳоқовнинг «Ишларни янгича бошқариш ва такомиллаштириш ҳамда ўқитувчиларнинг курсларда олган билим тажрибаларини ўз иш фаолиятларида қўллаш самаралари», вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти раҳбар ходимлар хонасининг мудири Муҳаммаджон Алихоновнинг «Халқ таълими бўлимлари ва услубхона мудирларининг долзарб вазифалари» хусусидаги маърузаларини тингладилар.

Анжуман қатнашчилари Марҳамат туманидаги 6 ва 16-ўрта мактабларда ташкил қилинган кафедрал йўналишдаги услубий бирлашмалар, мактабни бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар, табақалаштириб ва чуқурлаштириб ўқитиш тажрибалари билан ҳам танишдилар. Бундай илғор иш тажрибаларини вилоят миқёсида кенг оммалаштиришга қарор қилинди.

А. ЭРАЛИЕВ.

⊙

БУХОРО. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1992-93 ўқув йилида кириш имтиҳонларини ўтказишда тест синовидан фойдаланишнинг йўллари ва воситалари хусусидаги тавсияларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Инглизчада шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг мудирлари, услубхоналарнинг мутахассислари, ижодкор ўқитувчилар, фанлар бўйича илғор муаллимлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатини вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи С. Баҳромова олиб борди.

Суҳбат давомида тест-рейтинг синовларини ўтказишнинг моҳияти ва мақсади, синовларни ташкил этишнинг йўллари ва воситалари, бу борада халқ таълими ходимлари, фан ўқитувчилари бажарадиган иш мезонлари тўғрисида қизғин баҳс юритилди. Бухоро технологияи дорилфунуни ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Қодир Мўминовнинг тест-рейтинг синовини ўтказиш юзасидан тавсиялари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шунингдек, анжуман қатнашчиларига олий билимгоҳнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовини Йўлдош Асадов тест синовини ўтказишнинг мезони, шакллари ҳамда иш жараёнини уюштириш тўғрисида маълумот берди.

Кенгаш иштирокчилари фанлар бўйича шўъбаларда ҳам шуғулландилар. Тарих фани бўйича инсон ва жамият шўъбасининг раҳбари Миржон Ортиқов, география фанидан Қаюм Баҳромов, рус тили фанидан Николай Тян, чет тили фанидан Али Халиловлар тест-рейтинг синовларини ўтказиш ҳақида тегишли маслаҳатлар бердилар. Тестнинг сўроқномаси, унинг саволлари, тест варақаси сингари услубий материаллар билан шўъбаларнинг барча қатнашчилари таъминландилар.

Н. АБРОРОВ.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ВАЗИРГА ТЎҚҚИЗ САВОЛ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич ИЎЛДОШЕВ билан суҳбатимиз таълим-тарбиянинг мустақил Ўзбекистонимиз маънавий ҳаётидаги тутган ўрни, ёш авлодни миллий-тарихий анъаналар, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муаммолари ва вазифалари, кўпроқ тарбия орқали таълим бериш хусусида. Уни «Вазирга тўққиз савол», деб номладик. Нега энди ўнта эмас? Авваламбор бир суҳбатда халқ таълимига тааллуқли барча жиҳатларни қамраб олиш қийин, қолаверса, суҳбат газетхонларда ҳам кўплаб фикрлар ва саволлар туғдиришн табиий. Хуллас калом, ўнинчи саволни уларга қолдирдик. Қўшимча саволларга яна жавоб беришни вазиримиз ҳам ўз зиммасига олди.

— Жўра Ғаниевич, тамомила янги даврда яшаяпмиз. Ўзбекистон мустақиллиги ана шу янгиликларнинг уриб турган юрагидир. Демоқчиманки, мустақиллик таълим-тарбия соҳасига ҳам жиддий ўзгаришлар киритди. Жамлаб айтганда, булар асосан нималардан иборат?

— Ижтимоий ҳаёт тарзини жамият мақсади ва манфаатлари, халқнинг хоҳиш-иродаси белгилайди. Жонажон диёримиз — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ана шу мақсадлар, халқ орзу истаклари инъикосидир. Жумҳуриятимизнинг мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалиги бошқарувининг бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосига кўчиши барча соҳалар сингари халқ таълими тизимини ҳам қайта ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни шундай ҳаётий эҳтиёж ифодаси, халқ таълими ривожининг туб асосидир.

«Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади, — дейилади Қонунда, — Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади».

Дарвоқе, таълим-тарбия соҳасидаги энг муҳим ўзгариш умуминсоний ва миллий-маданий қадриятлар устиворлигидир. Бу, ёш авлодга бой тарихий, миллий-маданий мерос, минглаб йиллар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия бериш демак.

Таълимдаги устивор бу йўналиш илм маскани бўлган мактабни чинакам мазмун билан бойитади. Қонунда кўзда тутилганидек, таълим муассасаларини сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳоли этади.

Бугун таълим-тарбия соҳасидаги ишлар асосан ана шу йўналишда олиб борилмоқда. Энг муҳими, якунланаётган ўқув йили мустақил жумҳуриятимизда ёшлар таълим ҳамда тарбиясини ташкил қилишнинг дастлабки йили бўлди. Бу халқ таълими тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклади. Кўтаринки кайфият бахш этди. Таълим-тарбияни ҳар томонлама яхшилаш, истиқбол режаларини ишлаб чиқишга даъват қилди.

Ана шу тамойиллар самараси ўлароқ, «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, янги типдаги мактаблар ва боғчаларнинг низомлари, болалар ва ёшлар таълим-тарбиясининг асосий йўналишлари бўйича концепциялар ишлаб чиқилди. Янги типдаги ўқув муассасалари ташкил этилди. Янги ўқув режалари ва дастурлари тайёрланди. 70 номда дарсликлар яратилиб, 39 таси нашр қилинди. Бу ишлар яна давом этяпти.

— Жавобингиздан маълум бўлдики, халқ таълимини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида янгилаш борасида халқ таълими ходимлари, мутахассислар томонидан талай ишлар қилинди, қилинмоқда: дастурлар янгитдан битилмоқда, нашр этилаётир, мактабларда ўргатилаётир. Аммо булар масаланинг ташкилий томонлари. Гап шундаки, соҳа эгаси — мутахассис тайёрлаш борасида собиқ Шўролар Иттифоқига этадиганн топилмасди. Мутахассис деганимиз ошиб-тошиб ётарди-ю, малакали мутахассис кам эди. Яъни таълим жойида бўлса-да, тарбия кўнгилдагидек эмасди. Дипломи бор киши ўзини зиёли санаб юрарди. Ҳолбуки, фаранг ёзувчиси Сент-Экзюпери айтганидек, «Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказади». Бунга сиз қандай қарайсиз?

— Собиқ Шўролар Иттифоқи даврида мактабга эътибор берилмас эди, дейиш нотўғри бўлади, албатта. Илм-фан тараққиётининг мамлакатимиздаги бугунги даражаси ўз-ўзидан юзага келмаган. Эртанги кундан умидвор ҳар қандай давлат биринчи галда эътиборни мактабга қаратади. Шўролар Иттифоқи ҳам шундай қилди. Яъни, мактаб тўлиқ коммунистик мафкура таъсирида ривожланди. Бунинг устига барча соҳаларда дунёда биринчи бўлиш иштиёқи таълимда ҳам акс этди: ҳамма ўқийди, ҳамма тўлиқ ўзлаштиради, ҳамма диплом олади. Мафкура йўриқларини тушунган киши билимли, унга амал қилган киши тарбияли. Шунинг учун ҳам, ҳали сиз айтганингиздек, мутахассис кўп эди-ю, малакали мутахассис кам эди. Таълим жойида бўлса-да, тарбия ўзининг қадим илдизларидан бебаҳра қолганди.

Француз адибининг тарбия таълимдан устун туради, деган гапига келсак, бу шубҳасиз ҳақиқат. Эътибор берган бўлсангиз, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда баён этилган миллий қадриятлар устиворлиги, хусусан, тарбия орқали таълим беришни назарда тутади. Шарқда қадимдан асосий эътибор тарбияга қаратилган. Буюк салафимиз ибн Сино бола тарбиясини она қорнидаёқ бошлаш керак, дея шунчаки айтмаган. Ўзига тўқ хонадонлар фарзандларини гўдаклигидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, тажрибали, билимдон ва соғлом, фақат тарбия билан шуғулланувчи энагалар қўлига топширишганлиги тарихдан маълум. Гап бу ерда нима ҳақда кетяпти? Бола таълим олиш ёшига етгунга қадар ўзига хос тарбия мактабини ўтаган.

Энди тарбия бўйича халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган тадбирларга тўхталсак, бу борадаги асосий фикрлар мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясида ўз ифодасини топган. Мен бу ҳужжатга батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасман, у газетангизда босилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аммо шуни айтмоқчиманки, биз ҳозир мазкур концепцияни мактабгача тарбия муассасасидан то педагогик ходимлар тайёрлаш жараёнигача татбиқ этиш устида иш олиб боряпмиз.

Шу билан бирга мактабгача тарбиянинг халқ педагогикасига асосланган янги усуллари қўллай бошланди. Миллий-анъанавий мазмун билан бойитилган тарбия дастурлари тайёрланмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларининг хонадон, оилалардаги турлари тармоғи ривожлантирилмоқда. Гап тадбирлар саноғида эмас. Мақсад — ўқувчиларда ҳаётий тутим, нуқтаи назар, соғлом дунёқарашни шакллантириш.

Республиканинг барча халқ таълими муассасаларида Ўзбекистон Давлат мадҳияси ва рамзлари бўйича кўргазмалар ташкил этилди, Тадбирлар очилишида Мадҳия ижроси анъана бўлиб қолди. Мактабдан ташқари муассасаларда маданий мерос, анъана ва урф-одатларни ўрганиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Илк бор Республиканинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб сайёҳлик йўналиши уюштирилди. Ҳосил байрами, Наврўз каби халқ миллий байрамлари оммавий тус олди.

1992 йилда миллий ҳунармандчилик, тил ўрганиш тўгараклари сони икки баравар кўпайди. Байналмилал дўстлик клублари фаолиятлари кучайиб борянти. Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан ишбилармонлик фазилатларини шакллантириш, иқтисодий саводхон ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу кунларда мактабларимизда иқтисодий билимлар курси учун мўлжалланган режалар, дастурлар, қўлланмалар устида иш олиб боряпмиз.

Лўнда қилиб айтганда, тарбия — бутун жамоатчилик иши. Болага муносабатда ота-онанинг ҳам, муаллимнинг ҳам, одамларнинг ҳам миллатга, Ватанга муносабати акс этади. Болага ибрат бўла олмаган ота-онанинг болапарварлиги ўтирик, болага намуна бўла олмаган муаллимнинг билими пуч, болада ҳавас уйғотмаган одамнинг умри ёлғон. Демак, тарбияни фақат оилага, ё бўлмаса фақат мактабга ташлаб қўймай, бутун жамоатчилик ҳамкорлигида иш юритишимиз лозим. Вазирлигимиз ана шу мақсадда турли ижодий уюшмалар, маҳалла қўмиталари билан амалий ҳамкорлик қилмоқда.

— Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мактаб учун қаратилган. Сўнги пайтларда барча доираларда «Келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим», деган машҳур ибора тез-тез тилга олинмоқда. Бу фикрни жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг, жамғармамизда ортиқча маблағ топилса, уни халқ маорифига сарфлайман, деган сўзлари қанотлантириб юборди. Ҳамманинг диққат марказида турган мактаб бугун қандай бўлиши керак? Унинг истиқболини, қиёфасини вазир сифатида, қолаверса, педагог сифатида қандай тасаввур қиласиз?

— Болажон халқимизда фарзанд ҳақида гап кетса, фарзанд — оиланинг юзи, дейишади. Кўпни кўрган кексалар боланинг одоби, муомаласи, юриш-туришига қараб, унинг қандай оиладан эканлигини осонликча айтиб беришади. Отаси дурадгор бўлса, боласи ёғоч йўнар дейишади-ку. Мактаб ҳақида ўйласам, шундай фикрлар хаёлимдан кечади. Чунки фарзанд оила юзи бўлса, мактаб жамиятнинг, Ватаннинг юзидир. Жамият қандай бўлса, мактаб ҳам шундай қиёфа касб этади.

Бугунги кунда мактабларимизнинг маънавий қиёфасини жумҳуриятимиз мустақиллиги белгилаб турибди. Эндиликда шахс камолотида миллий уйғониш, ўз-ўзини англаш мафкураси муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Янгиланаётган мактаб — бу миллий ва маданий анъаналарни тиклаш, таълим мазмунини жаҳоний мезонлар даражасига кўтариш демакдир. Мактабда шахс вояга етади. Жамият ривожи эса шахс камолотига, мактаб қандай ўғил-қизлар тарбиялаётганига боғлиқ. Демак, шахс ва жамият тараққиётига самарали таъсир кўрсатиши учун мактаб ҳаётини миллий-минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда демократиялаш, инсонпарварлаштириш ғоят муҳимдир. Бунинг учун Ўзбекистон мактабларида ўқув-методика таъминоти, мақсадлари, вазифалари, мазмуни, бошқариш ва ташкил қилишнинг шакл ҳамда усулларини жумҳуриятимизнинг миллий ва маданий анъаналарига, унинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва истиқболига мутаносиб равишда такомиллаштириш зарур.

Ҳозирги кунда республикамиздаги 8 минг 740 мактабда 4 миллион 638 минг ўғил-қиз ўқияпти. Мамлакатимиз жаҳон миқёсида қад ростлаши муносабати билан янги типдаги ўқув ўчоқлари пайдо бўлди. Ҳозирда 43 лицей, 13 гимназия ишлаб турибди. 120 лицейли, 84 гимназияли синфлар бор. 34 мактаб-интернатда иқтидорли болалар таълим олишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилсин.

2. «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. Биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденининг тасвири тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШ ЁҚЛАНДИ

Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида профессор-муаллимларнинг навбатдаги илмий-услубий анжумани бўлиб ўтди. Уни институт ректори, профессор К. Юсупов кириш сўзи билан очиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида имкониятн даражасида ўз ҳиссасини қўшиши керакли-ги, шунга кўра, бўлғуси тарбиячи, ўқитувчиларни ҳар томонлама лаёқатли мутахассис қилиб тайёрлашда институт профессор — муаллимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Бунда муаллимга берилган қисқа вақтни талабаларга илмий-услубий ва маданий билимлар, тажрибалар асосида тўлақонли маълумот етказиш воситасига айлантириш зарурлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг анжуманнинг ялпи мажлисини халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори А. Абдуқодиров, умумий педагогика кафедрасининг докторанти О. Мусурмоновалар «Тест синови асосида талабаларнинг билими даражасини аниқлашнинг айрим масалалари», «Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли» мавзуларида қизиқарли маърузалар билан чиқдилар.

Анжуманнинг кейинги босқичи мутахассислик фанлари бўйича ташкил этилган шўъбаларда давом этди.

М. ХЎЖАМОВ.

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 28-мактабда 700 нафар ўқувчи ўзбек, қозоқ, тожик, рус тилларида таълим олмоқдалар. Мактабда диққатга сазовор ишлардан бири шуки, ўқувчилар билимини тестлар орқали аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилаётир.

СУРАТДА: М. Завжиева, Р. Нуруллаева, А. Хайрова, А. Абдумуқимов сингари ўқитувчилар тест тўғрисида фикрлашмоқдалар.

А. АКМАЛОВ суратга олган.

«ЎҚИТУВЧИ — 93» КЎРИК — ТАНЛОВИ

ИСТЕЪДОДЛИЛАР БАҲСИ

Бунгача Тошкент вилояти мактаблари ўқитувчиларининг 1993 йилги кўрик—танловининг тўрт босқичи бўлиб ўтган эди. Мактаблар, ҳудудлар, туманлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловдан якуний мусобақага Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарлари мактабларининг саккиз нафар ғолиби етиб келди. Булар Пискент туманидаги Ҳамза номли мактабнинг адабиёт муаллимаси Мавлудахон Маҳмудова, Паркент туманидаги 7-мактабнинг риёзиёт муаллимаси Нуринисо Зукурова, Янгиобод шаҳридаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Наталья Афанасьева, Чиноз туманидаги 40-мактабнинг она тили муаллимаси Анорхон Пардабоева, Чирчиқ шаҳридаги 18-ўрта мактабнинг она тили ўқитувчиси Мамлакатхон Шукурова, Ангрен шаҳридаги 14-ўрта мактабнинг қимё муаллимаси Виктория Попова, Бекобод шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг риёзиёт муаллими Қаюмжон Норматов ва Янгийўл туманидаги 14-ўрта мактабнинг мусиқа муаллими Ўринбой Рихсибоевлардир.

Яқинда Оҳангарон шаҳридаги мусиқа мактабининг ҳашаматли биносида ана шу кўрик-танловнинг якуний босқичи ўтказилди. Бу кўрик ўзига хос шиор: «Ўқитувчида ҳамма нарса завқлантирмоғи лозим: ҳам камтарлик, ҳам либос, ҳам билим, ҳам зийраклик, ҳам ҳаётга муҳаббат» сарлавҳаси остида бўлди.

Кўрик-танлов бошлангунча мусиқа мактабининг махсус айвонларида кўрик-танлов иштирокчилари тайёрлаган кўргазмали воситалар, қўл ҳунари маҳсулотлари, қўлда ясалган гуллар гербарийлари, фотоальбомлар намойиш қилинди.

Кўрик — танловнинг биринчи босқичи таништирув қисми бўлди.

Кўрик—танловнинг иккинчи қисми ноқулай педагогик ҳолатлардан чиқиб кетиш, вазиятни «мўътадиллаштириш» деб аталди. Якунловчи қисм эркин мавзуга оид бўлиб муаллимнинг бўш вақтларини қандай ўтказиш билан боғлиқ эди.

Ниҳоят, вилоят танлов-кўригининг барча шартлари унинг иштирокчилари томонидан муваффақиятли адо этилди. Танлов ҳайъатининг раиси, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини П. Ҳотамов якуний баҳоларни эълон қилди. Кўрик-танловларда фаол қатнашганлиги, унинг бўлиб ўтган барча босқичларида энг юқори баҳоларга эришганлиги, саволларга берилган жавоблардаги илмийлик, нафислик, топқирлик, қийин педагогик вазиятлардан осонлик билан чиқиб кета билиш ҳолатларига эришиш йўлларини топа билганликлари учун Паркент туманидаги 7-ўрта мактабнинг риёзиёт муаллимаси Нуринисо Зукурова биринчи ўринни, Пискент туманидаги Ҳамза номли 1-ўрта мактабнинг адабиёт муаллимаси Мавлудахон Маҳмудова иккинчи ўринни, Янгийўл туманидаги 14-ўрта мактабнинг мусиқа муаллими Ўринбой Рихсибоев учинчи ўринни олишди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг қарори билан кўрик-танловда иштирок этиб, ғолиблик шоҳсупасига чиққан Нуринисо Зукуровага олий тоифали муаллима унвони, икки маош ҳисобида пул мукофоти, санаторийга текин йўлланма ҳамда бошқа тақдирномалар берилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни олган Мавлудахон Маҳмудова, Ўринбой Рихсибоевларга бир ярим ва икки маош ҳисобида пул мукофоти, дам олиш уйларига текин йўлланма ҳамда олий тоифали ўқитувчи унвонлари бериладиган бўлди. Айни пайтда кўрик-танловнинг барча қатнашчилари «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишонига тавсия этилдилар.

Кўрик тамом бўлди. Назаримда унда баъзи жузъий нуқсонлар ҳам кўзга ташланди. Жумладан, ҳакамлар танлов қатнашчилари жавоблари учун ажратилган вақтлар мезонига унчалик ҳам аҳамият бермадилар. Натижада қатнашчиларнинг жавоблари 2—3 дақиқанинг ўрнига баъзан 5—6дақиқага чўзилиб кетди. Танловнинг учинчи қисми — билимлар синовига қўйилган саволлар жуда оддий кўринди менга. Унда мактабни ислоҳ қилишдай долзарб, айрим фанларни ёки мавзуларни ўқувчиларга баён этишдаги энг янги тажрибалар умумлаштирилса чакки бўлмасди. Булардан ташқари, танлов иштирокчиларининг нутқ маданияти, нотиқлик санъати ва саҳнада ўзини тута билиши, кўпчилик олдида ҳар бир сўзни ўз меъёрида ишлатилишига ҳам жиддий эътибор берилганида, унинг қиммати анча ошган бўларди.

МЎМИН ҚАЮМ.

ВАЗИРГА ТЎҚҚИЗ САВОЛ

(Боши 1-бетда).

Бугунги мактабни замонавий техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозиргача 4 мингдан зиёд мактабларимиз компьютерлаштирилди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги барча умумтаълим мактаблари компьютерлаштирилган синфларга эга. Бу жараён жумҳуриятимиз миқёсида бундан буён ҳам давом этади, албатта.

Шуни айтиш керакки, мавжуд компьютерлардан унумли фойдаланиш муаммо бўлиб турибди. Программалаштириш бўйича мутахассислар етишмайди. Шуларни назарда тутиб, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш юзасидан ўқитувчилар ассоциацияси тузилди. Илғор ахборот технологиясини қўллаш лабораторияси очилди.

Шунингдек, компьютерларнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш мақсадида уларни таъмирлаш, иш тартибини йўлга қўювчи ўқув-автоматика бирлашмаси тузилди. Ғалдаги вазифа бутун кучни ишга солиб, мавжуд компьютерлардан, айниқса, фанларни ўқитиш жараёнида унумли фойдаланишга эришишдан иборат. Бу борада америкалик ва болгариялик мутахассислар билан иш олиб боряпмиз.

Мактаблар ҳаётига оид яна бир муаммо — ўқувчилар сонига нисбатан синф хоналари етишмай турибди. Салкам бир ярим миллион бола икки сменада, 26 мактабда эса уч сменада ўқишга мажбур бўлишмоқда. Мактабларимиз аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас. 4 минг ўқув даргоҳи мослаштирилган биноларга жойлашган. 789 мактаб биноси қайта қуришга муҳтож.

Очиғи, бу муаммолар дафъатан бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ ва бирданига ҳал қилиш ҳам осон эмас. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик боис маънавий ислоҳотлар энг муҳим вазифалар сифатида юзага чиққан ҳозирги шароитда мактаб муаммоси бутун мураккабликлари билан кўзга яққол ташланди.

Буни чуқур тушунган республикамиз раҳбарияти таълим-тарбия муассасалари ўқув-моддий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бераётир. Жумладан, мактаблар қурилиши жумҳурият миқёсида назарда турибди. Аммо бугунги иқтисодий шароитда фақат давлат ва маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларнинг ўзи камлик қилади. Шундай бир вазиятда давлат томонидан иқтисодий эркинлиги таъминланган ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари чин маънода ватанпарварлик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ. Бахтимизга улар бор. Бунга Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Шоназар Жуманиёзов ва бошқарув аъзоларининг ёш авлодга ғамхўрлиги ёрқин мисолдир. Оталиқ ташкилоти бўлган мазкур хўжалик ўз маблағи ҳисобидан мактаб қуриб берди.

Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар эса мустақиллик имкониятларидан эл-юрт манфаатлари йўлида фойдаланиш намунасидир. Жамоа аъзолари Султон Раҳмонқуловни аввал ўз хўжаликларига раис қилиб сайлашди, кейинчалик мактаб директорлигини ҳам раис зиммасига юклашди. Асли педагог бўлган раис-директор эл ишончини оқлашни раҳбарлик бурчи деб билди. Бир йил ичида мактаб биноси бутунлай қайта таъмирланди. Ўқувчилар бепул овқатлантирилаётир. Мактаб қошида бешдан зиёд кичик корхона ишлаб турибди.

Ана шундай танти ва саховатли раҳбарларнинг янада кўпайиши мустақиллик моҳиятини халқимиз тобора чуқурроқ англаб бораётганидан далолатдир. Демоқчиманки, одамлар қалбида, шуурида рўй бераётган маърифий ўзгаришлар мактабларимизнинг эртанги қиёфасини белгилайди.

— Жўра Ғаниевич, навбатдаги саволимга ўзингиз туртки бердингиз. Маърифий ўзгаришлар марказида, албатта, ўқитувчи туради. Эътиборингизни ўқитувчининг ҳаётдаги ўрни, маънавий қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига қаратмоқчиман. Сўнгги икки йил ичида юртбошимиз ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилган ўнга яқин Фармонга имзо чекди. Бу ҳозирги иқтисодий шароитда жуда катта эътибор. Шундай экан, ўқитувчиларимиз бунга қандай амалий жавоб беришаётир, деган савол туғилади. Хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, биз ҳаммамиз кечаги кун фарзандларимиз. Кечаги куннинг фазилатлари ҳам, нуқси ҳам феълимизда мавжуд. Бундан ўқитувчиларимиз ҳам истисно эмас. Талай ташкилий тадбирлар белгиланаётганига қарамай, барча иш юқоридан ҳал қилиннишига ўрганиб қолган маорифчиларимиз, директорларимиз, ўқитувчиларимиз йўқ эмас. Эҳтимол, кўпроқдир. Ташаббускорлик уйғотиш, уни алангалантириш учун нималар қилиш керак?

— Биласизми, ҳар соҳада энг тўғри таърифни донишманд халқ ўзи айтган ҳикматлардан қидириш керак: Устоз отангдан улуғ. Буни халқ айтган. Ўқитувчи ҳақида, муаллим, мураббий хусусида бундан ўтказиб бир нарса дейиш қийин. Ўқитувчилик масъулияти, шарафи шундаки, у инсонни шакллантиради. Эгри ўсган дарахтни тирговуч тиргаб, тик қилиб қўйиш мумкин. Қийшиқ темирни эритиб тўғри қилиш ҳам қийин эмас. Лекин нотўғри таълим-тарбия олиб ўсган одамни қайта тарбиялаб бўлармикан? Энг даҳшатлиси, ўқитувчининг билими саёз бўлса, бу қусур ўқувчи орқали келажакка ўтади. Демоқчиманки, ўқитувчи аввало болани севиши, ўз касби-корининг заҳматкаши, доимо изланувчан, тиниб-тинчимас, қилаётган ишидан завқланадиган инсон бўлиши керак.

Буларнинг ҳаммаси ҳаётий хулосалар. Зотан, ҳаётнинг ўзи ўқитувчи жамиятнинг энг интиёзли табақасига айланиши зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу ўринда мен Президентимиз Ислом Каримовнинг ўқитувчиларни иқтисодий ҳимоя қилишга оид қатор Фармонлари ана шу мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўқитувчиларга уй-жойлар биринчи бўлиб хусусийлаштириб берилди, улар талай солиқ ва тўловлардан озод этилди. Чунончи, юз мингга яқин ўқитувчига давлат ва ташкилот уйлари шахсий мулк қилиб берилди. 250 мингдан зиёд муаллим ер майдони билан таъминланди, 200 мингга яқин қишлоқ ўқитувчиси дон маҳсулотлари олдилар. Халқ таълими ходимларининг маошлари ҳам бир неча бор оширилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Президентимиз икки марта ана шундай мақсадга қаратилган Фармонларга имзо чекди. Энг сўнгги Фармонга биноан халқ таълими ходимлари маошларини ошириш учун давлат бюджетидан 8 миллиарддан зиёд маблағ ажратилди.

Шу билан бирга вазирлигимиз ўқитувчилар асосий вазифаларидан ташқари ишлар (синф раҳбарлиги, дафтар текшириш ва ҳ. к.)ни бажарганликлари учун оладиган қўшимчалар миқдорини ошириш хусусида ҳам тегишли ташкилотларга таклиф киритди.

Ҳозирги иқтисодий шароитда кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўқитувчилик — олижаноб, мўътабар касб»га том маънода давлат бераётган эътибор шаҳодатидир. Буни чуқур ҳис этаётган, ёш авлод камолини умрбоқийлик рамзи деб билаётган ўқитувчиларимиз кўп. Биз улар билан фахрланамиз.

Лекин, саволингизда тўғри таъкидлаганингиздек, биз кечаги кун фарзандларимиз. Ўтган даврга хос барча хусусиятларга, жумладан, қусурларга ҳам эгамиз. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Бугун асосий гап инсоний тантилик билан оёққа туриш, ҳақиқат юзига тик боқиб, покланиш машаққатларини кечира билишда. Ўқитувчи учун барча фазилатлар ярашади. Фақат замонлар оша уларнинг қайси биридир устивор маъно касб этади. Бугун ана шундай фазилат фидойиликдир. Мустақил Ватан истиқболи, маънавий покланиш замони, ёш авлод камоли тақозо этаётган фазилат бу. Шундай фазилатни касб этган ўқитувчи учун ташаббускорлик қалб даъвати, дил амридир. Аммо бунга эришиш осон эмас. Буни ҳаёт ўзи кўрсатиб турибди.

Шунга кўра, вазирлигимиз яхши ўқитувчиларни саралаш, таълим-тарбияни бу соҳага тасодифан кириб қолганлардан фориғ этиш мақсадида муаллимларни ишга шартнома асосида қабул қилиш тартибини жорий этди. Ташаббускорлик уйғотишнинг мақбул йўли саралаш, яхшини танлаш, алалхусус таълим-тарбияни ана шу мақсадга йўналтиришдир.

— Дарвоқе, таълим тизимидаги кўпчилик янгиликлар моҳияти яхшини танлашга қаратилган. Чунончи, ўтган йили вазирликка қарашли барча институтларда талабалар тест синовлари орқали қабул қилинди ва бу яхши самара берди. Бундан буён тест синовларига кўра, энг юқори балл тўплаган ўқувчиларни ўқитган муаллимларни аниқлаб, элга маълум қилиб борилса, тажрибалари оммалаштирилса, бунинг тарбиявий аҳамияти беқиёс бўларди. Шу ҳақдаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Янги синов усули, унинг афзалликлари хусусида кўп гаплар айтилди. Баъзан шундай таассурот пайдо бўладики, кўпчилик уни мамлакатимизга нисбатан иқтисодий устивор давлатларда қўлланганлиги учун ҳам афзал деб билишади. Ҳолбуки, тест синовлари биз учун оқибат мақсад эмас, балки эзгу мақсад йўлида восита, ёмоннинг яхшисини эмас, яхшининг яхшисини танлаш усулидир.

Биз адолатли жамият қурмоқчимиз. Тест-синов усули биринчи галда талабалар танловида то шу бугунгача томир ёйган адолатсизликка чек қўяди. Энди талабага ўқитувчи таъсир ўтказа олмайди, ҳар бир ёш ўзини-ўзи имтиҳон қилади. Қайси ўқитувчи қандай дарс ўтаяпти маълум бўлади, пировард иш натижаси холис баҳоланади.

Бинобарин, масалага чуқурроқ ёндашсак, тест-синов усулидан кўзда тутилган яна бир мақсад истеъдодли ўқитувчиларни ҳам аниқлаш эканлиги аён бўлади. Чунки тест синов усули вилоятларда, туманларда ва мактабларда фанларни ўқитиш даражасининг ўзига хос кўзгусидир. 1993 йили республикамизнинг барча олий ўқув юртларига талаба қабули тест синовлари асосида ўтказилиши муносабати билан ва бу жараёнга ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчиларини тайёрлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туманларда малака ошириш курслари очилди. Курсларда қатнашган ўрта мактаб ўқитувчиларининг битирувчи синф ўқувчиларига фанлар бўйича тест синовларига оид амалий машғулотлар ўтказишлари йўлга қўйилди. Талабалар танлашнинг тест усули студентларнинг жорий билимларини баҳолашда ҳам кенг қўлланаётир.

Хуллас, яхши ўқитувчиларни саралаш, менимча, бир йиллик эмас, балки икки-уч йиллик синов якунлари таҳлилига биноан амалга оширилса, ҳаққоний манзара касб этади. Билимдон мураббийларни **ҳар бир фан ўқитувчисининг** тахминан сўнгги ўн йиллик фаолияти натижаларига кўра, аниқлаш ҳам мумкин. Вазирлигимиз режаларида шундай тадбирлар кўзда тутилган. Биз илғор иш тажрибалари, ижодкор ўқитувчиларни аниқлашдан тўлиқ манфаатдормиз.

— Баъзан яхши тажрибалар ярқ этиб кўзга ташланади-ю, бирмунча фурсат тилга тушиб юрадида, кейин аста-секин унутилади. Ўтган йил кузида Низомий номли педагогика институти тил ва адабиёт факультетида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърият ва ижодкорлик мавзуида дарс ўтганлиги оғизга тушди. Бу институт талабалари учун муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг мана-ман деган шоирини кўп одамлар узоқдан бўлса-да, бир кўришга орзуманду талабалар қўл олиб кўришиш, қизиққан саволини бериш имкониятига эга бўлса. Биргина адабиётда эмас, барча соҳаларда ном қозонган кишилар — олимлар, иқтисодчилар, санъаткорлар, ҳатто арбоблари ойига бир марта институтларда маърузалар ўқишга жалб этиш тадбирлари белгиланса ёмон бўлмасди. Гап бу ерда кўпроқ масаланинг тарбиявий аҳамияти ҳақида кетаяпти, албатта.

— Илғор иш тажрибаси, ибрат орқали таълим бериш синалган тарбия усулларидан. Чунончи, педагогика институтларида талабаларга чуқур билим бериш, уларни ҳозирги замон янгиликлари билан мунтазам таништириб бориш мақсадида фанлар бўйича номдор олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари махсус курсларга (10—12 соат) таклиф қилинаётир. Жумладан, Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек-қозоқ филологияси факультетида Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов «Ижод психологияси ва фалсафаси» курси бўйича маруза ўқимоқда.

Мазкур факультетнинг ўзида ЎзФА адабиёт институтининг бўлим бошлиғи, профессор С. Мамажонов «Чўлпон маҳорати» курси бўйича, филология фанлари доктори Н. Худойберганов «Янгича тафаккур ва ҳаётнинг ҳаққоний тасвирлаш асослари» курси бўйича сабоқ беришмоқда. М. Қошғарий номли тилшунослик институтининг бўлим бошлиғи, профессор Ш. Шукуров, филология фанлари доктори, ТошДУ профессори Н. Комилов ва бошқаларнинг маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шундай маърузалар бошқа фанлардан ҳам ташкил қилинган. Масалан, математикадан ЎзФА математика институтининг директори, ЎзФА мухбир аъзоси Ш. Аюпов «Функционал анализ» курси, профессор Т. Насриддинов «Экстремал масалалар» курси бўйича маруза қилаяптилар.

Жиззах, Нукус Давлат педагогика институтларида ҳам нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий марказлардан чақирилган таниқли олимлар, санъаткорлар фанлар бўйича таълим беришаётир.

Кўриниб турибдики, бундай иш тажрибаси, саволда таъкидлаганингиздек, унутилаётгани йўқ. Лекин бир нарсада ҳақсиз. Янгича иш усулларини кўпроқ тарғиб қилишимиз, бу борада нафақат матбуот, балки радио ва телевидение имкониятларидан ҳам кенгроқ фойдаланишимиз лозим.

Масаланинг тарбиявий аҳамияти эса ўз-ўзидан аён. Шундай иш тажрибасини мактабларда жорий этиш, болалар боғчасида қўллаш ҳам фақат ижобий самаралар беради.

— Шу ўринда суҳбатимиз тарбиянинг илк ўчоғи бўлмиш боғча тарбиясига келиб тақалди. Атрофлича фикрланадиган бўлса, бу алоҳида мавзу. Сизни биринчи галда ўйлантираётган муаммолар нималардан иборат?

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиёти муаммолари мактабгача тарбия соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бир қанча корхона, ташкилот ва хўжаликлар иқтисодий қийинчиликлардан чўчиб, ихтиёрларидаги боғчаларни ёпиб қўймоқдалар. Натижада халқ таълими тасарруфига ўтказилаётган муассасалар сони кундан-кунга кўпайиб бораётир. Бу, бизнингча, масалани ҳал этишнинг оқилона йўли эмас. Давр ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, кичкинтойларимизнинг тарбия олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш инсоний бурчимиздир.

Ўзингиз яхши биласиз, боғчаларимизда таълим-тарбия миллий заминдан узилиб қолган эди. Эндиликда тарбия моҳияти тубдан ўзгарди. Боғчаларимизга миллий руҳ кириб келяпти. Болаларимизни ўзбек халқ эртаклари асосида тайёрланган қўғирчоқлар, миллий ўйинчоқлар орқали тарбиялашга эътибор кучайди.

Боғчалар учун миллий, оила, халқ педагогикасига асосланган дастурлар, рисолалар чоп этилиб, боғчаларга етказиб берилмоқда. Одобнома, илк математик тасаввурни ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, бадиий адабиёт, бадан тарбия, тасвирий санъат, мусиқага оид рисолалар шулар жумласидан. Бу рисолалар болаларни мустақил фикр юритишга, таассуротларини эркин баён қилишга ўргатади. Шундай бўлса-да, боғча болалари учун қулай қўлланмалар, бадиий асарлар, қўшиқлар ҳали кам.

Энди болаларимиз жаҳон назарида. Ўн беш-йигирма йил ўтиб, улар жаҳон билан мустақил Ўзбекистон номидан сўз юритишади. Шунинг учун болаларга кичик ёшидан чет тилларини ўргатиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Хива шаҳридаги 8-, Қўқондаги 22-, Тошкентдаги 206-болалар боғчаларида инглиз, араб тиллари ўргатилмоқда.

Яна бир масала — боғчаларни таълим-тарбия масканларига яқинлаштириш. Шундай бўлса, билим ва тажриба уйғунлигига эришилади. Оила-боғча, маҳалла-боғчалари, мактаб-боғчалар зарур. Гап болани қайси йўл билан тарбиялашда эмас. Номида ҳам эмас. Асосий ният — бу масканларга болажон, тажрибали, эртакчи тарбиячилар келишсин. Қани энди, ҳукумат раҳнамолигидан ташқари кичик корхоналар эгалари, фермерлар, турли-туман ишбилармонлар болалар боғчаларини оталиққа олишса, уларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлишса...

Болалар боғчаси қурилиши, ҳовлиси қандай бўлишини ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳаммадан кўра, болалар эркинликни хуш кўришларини инобатга олиш лозим. Қисқаси, боғча ўз номи билан боғча бўлиши керак-да! Қани энди, боғчаларимиз атрофи шовуллаб турган боғ бўлса, чаман-чаман гулзорларни кўриб болажонларимизнинг кўзлари яйраса, наботот оламига мурғак қалбларида меҳр уйғонса, соя-салқин боғ ўртасидаги гулҳовузларда ёзнинг иссиқ кунлари мириқиб чўмилишса, танлари гул баргидек яйраса...

Бу хусусда мутасадди ташкилотлару ҳомийлар, тарбиячилару олимлар, қўйингки, барчамиз бирдек қайғуришимиз лозим.

— Суҳбатимиз табиий бир маромда кечаётгани боис менда ташвиш уйғотган бир саволни орқага ташлаб турувдим. Саволим ички ликка одатланиш, нашавандлик, гиёҳвандлик хусусида. Яшириб нима ҳам қилардик. Илгарилари кўп бўлмаса-да, учраб турадиган бундай нохуш аҳвол, хусусан, ўсмирлар, мактаб ўқувчилари ўртасидаги гиёҳвандлик ҳақида оғиз очиш мумкин эмасди. Энди эса лоқайдлик, хаспўшлашнинг ўзи мустақил Ўзбекистон тақдирига муносабатда, ҳатто, айтиш мумкинки, жиноят билан баробар. Келинг, биз бу масалага ундан кўз юммаслик учунгина мурожаат этмаётганимизни таъкидлаган ҳолда, бу иллат бизнинг ҳам юрагимизга оғриқ солаётганини, миллатимиз саломатлигига ҳавф туғдиришини ўйлаб жонимиз куяётганини айтайлик.

— Ўқувчилар орасида бундай иллатларнинг учраши кўнгилсиз ҳол. Афсуски, ҳаётдаги айрим салбий таъсирлар туфайли ёмон йўлга кириб кетаётган ёшлар учраб турибди. Ҳозир республикамиз бўйича, ички ишлар муассасалари маълумотларига кўра, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилганлиги учун назоратда турган 363 нафар ўсмир, жумладан, ўқувчилар ҳам бор. Ўсмирлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ҳоллари ҳам камайиш ўрнига ортиб бораётир. Талончилик, босқинчилик, ўғирлик ва чайқовчилик билан шуғулланаётганлар орасида мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари борлиги бизни, айниқса, ташвишга солмоқда.

Бундай нохуш вазият юзага келишига бекорчи ўсмирлар кўпайиб бораётганлиги, нотинч оилалар сони камаймаётганлиги, ўқитувчиларнинг номуносиб хатти-ҳаракатлари, болалар тарбиясига мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг лоқайдлиги ва масъулиятсизликлари сабаб бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоят кенгашида сўзлаган нутқидан яхши хабардорсиз, юртбошимизнинг халқ таълими аҳволидан қаттиқ қайғуриб, изтироб билан айтган гаплари биз педагоглар учун ўринли танқид, аччиқ сабоқдир. Халқ таълими ходимлари республика фаоллари йиғилишида, вазирлик ҳайъатида гап шу ҳақда борди. Нутқдан келиб чиқиб, халқ таълими бўлимлари, ўқув юртлари ва муассасаларининг фаолиятларини яхшилаш ва такомиллаштириш тадбирлари мажмуини белгилаб олдик.

Ҳали ҳаёт ҳақида тушунчаси тор, суяги қотмаган бола ёмон йўлга кириб қолса, гуноҳидан ўтиш мумкин. Лекин ўзи тарбиячи бўла туриб ахлоқсизлик қилган ўқитувчи эл нафратига лойиқ. Мактаб маъмуриятлари меҳнат шартномаларини имзолашда ўқитувчиларнинг билими билан чекланиб қолмай, одоб-ахлоқига ҳам жиддий эътибор беришлари зарур. Ахлоқсиз киши мактабга қадам босмасин!

Умуман олганда, ўқувчиларни турли номақбул таъсирлардан муҳофаза қилиш борасида Республика Прокуратураси, Ички ишлар, Адлия ва соғлиқни сақлаш вазирликлари билан яқиндан ҳамкорлик қиляпмиз.

Ўтган 1992 йил давомида уч бор ўқувчилар орасида қонунбузарликнинг олдини олишга бағишлаб вазирлик ҳайъат мажлиси ўтказилди. Бу йил март ойида яна бир марта. Бу йиғинларимизга юқорида қайд этилган вазирликлардан масъул ходимлар таклиф этилди, биргаликда тадбирлар белгилаб олинди.

Жойларда олиб борилаётган ишлар ҳам кучайтирилди. Апрель ойи давомида барча вилоят халқ таълими бошқармалари ҳайъат мажлислари кун тартибига ушбу масала киритилди ҳамда бевосита вазирлигимиз ходимлари иштирокида муҳокама этилмоқда.

Шунингдек, болалар ва ўсмирлар орасида «Соғлом турмуш тарзи» учун тадбирлар режаси тузилган. Унга асосан «Ўсмирлар ва ота-оналарга маънавий-ижтимоий ёрдам марказлари тўғрисида Низом» ишлаб чиқилди. Ўмумтаълим ва ҳунар мактаблари ўқувчилари орасида ҳуқуқий билимлар олимпиадаси ўтказилди.

Тошкентда 20 апрелда бўлиб ўтган умумжаҳон иқтисодий анжуманида, жаҳонда энг обрўли халқаро ташкилотнинг президенти Клаус Шваб, «Ўзбекистон яқин 10—15 йил ичида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишига амин бўлдим», деб айтди. Бундай масъулиятли вазифа, шубҳасиз, фақат жисмонан ва маънавий соғлом авлод қўлидан келади. Ватанимиз келажаги соғлом авлодга боғлиқ. Жумҳуриятимизда «Соғлом авлод учун» ордининг таъсис этилиши ана шу эзгу мақсадга қаратилган ҳукумат тадбиридир.

Вазирлигимиз «Ўзбекистон Республикаси болалар ва ўқувчи ёшларни жисмонан тарбиялаш концепцияси»ни ишлаб чиқди. Концепцияда ўқувчиларни маънавий шакллантириш, жисмоний чиниқтириш, ижтимоий фаол бўлишларига эришиш тадбирлари белгиланган. Ҳозир шу асосда иш олиб бориляпти.

— Ҳақиқатан чинакам соғлом авлод — бу ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол авлод демак. Токи биз халқимиз ёруғ тарихидаги таълим-тарбияга оид ноёб тажрибаларга суянмас эканмиз, тарбияда маънавий-ахлоқий тўкисликка эриша олмаймиз. Шу мавзуга оид фикрларингизни билишни истардик.

— Маънавият — халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи. Ўзбек халқ педагогикаси ана шу улкан тараққиётнинг узвий қисмидир. Унда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўллаб келинган усуллар, миллий урф-одат ва анъаналар, тарбияга таллуқли ғоялар мужассам. Бу тажрибалар ва ғоялар халқ ўзи яратган оғзаки ижод намуналарида, ривоятлару афсоналарда, ёзма ёдгорликлару осори атиқаларда, алломаларнинг боқий меросларида акс этган. Маданиятимизнинг тасвирий санъат, меъморчилик, кулолчилик мискарлик, тикувчилик, наққошлик, хаттотлик каби нафис турлари ҳам ўзида нафосат, ахлоқ, ватанпарварлик ва байналмилаллик, инсонпарварлик фазилатларини мужассам этган.

Ана шуларни назарда тутиб айтсак, маънавият бу тарихий хотирадир. Тарихий хотира халқнинг улуғлигидан шаҳодат. Ўзбек халқи бой тарихий хотирага эга. Эндиги энг муҳим вазифа ёш авлодни бу бебаҳо хазинадан тўлиқ баҳраманд этишдан иборат.

Мана, ниҳоят, шундай эзгу режалар, амалий ишлар, изланишларга бой яна бир ўқув йили охирлаб қолди. Тарихга мустақил Ўзбекистоннинг озод ёшлари сифатида кириб келаётган мактаб ўқувчилари катта ҳаёт остонасида туришибди. Эртанги кунимиз уларнинг билимига, шахс сифатида камол топишига боғлиқ. Суҳбатимизни Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида мураббийлар ва ёшларга қарата айтган умид ва ишончга тўлиқ қуйидаги сатрлари билан якунласак, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

«Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».

Суҳбатдош
Саъдулла ҲАКИМ.

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Пойтахтимиздаги 41-ўрта мактаб билан Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 31-мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилган. Баҳорги таътил кунларида наманганликлар Тошкентдан келган меҳмонларни қучоқ очиб — қўшиқ ва рақслар билан кутиб олишди, ўзларининг ўзоқ қишлоқларини кўрсатишди, Улуғбек номли жамоа хўжалиги билан таништиришди. Ҳар икки жамоа Наврўз байрамини биргаликда нишонлашди, қизғин фикр алмашишди.

Халқимизда меҳмон кутиш яхши анъаналардан. Бу гал тошкентликлар ўз қадрдонларини мактабда самимий ва хурсандчилик билан кутиб олишди. Мактаб директори Назира Аҳмедова наманганлик меҳмонлар шанига илиқ сўзлар айтди. Янгиқўрғонлик меҳмонлар номидан сўзга чиққан мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини Бахтиёр Соттиқулов самимий кутиб олганликлари учун мезбонларга ташаккур изҳор этди. Ҳар иккала мактаб ўқитувчилари ўртасида педагогик касб маҳоратини ошириш муаммолари юзасидан қизғин фикр олишувлар бўлди. Ўқувчилар эса мактабдаги тикишбичиш тўгараги ва бошқа синфдан ташқари амалга оширилаётган иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

Учрашув чинакам нафосат байрамига айланиб кетди. Рақслар, қўшиқлар ижро этилди, Нодирабегим ва Увайсий ғазаллари янгради.

Мактабнинг муҳташам мажлислар залига тўпланган пойтахтимиз маориф ходимлари, ота-оналар жамоатчилиги вакиллари ҳар иккала мактаб ўқувчилар жамоасининг «Наманган гуллари» ва «Тошкент ғунчалари» ўткир зеҳнлилар мушоираси команда аъзоларининг чиқишларини хушнудлик билан томоша қилишди.

СУРАТЛАРДА: наманганлик ва тошкентлик ўқитувчи ва ўқувчилар учрашувидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ, суратга олган.

ДАВИДОВНИНГ САХОВАТИ

У кишини бешгулликлар домла деб эъзозлашади. Қарийб 45 йиллик муаллимлик фаолияти давомида кўплаб ўқувчиларни саводхон қилиб, уларга илм улашиш ташвиши билан яшаган Маматқул ака ҳозир ҳам тинибтинчиганн йўқ.

Бир кунини ҳам мактабсиз тасаввур қилолмайдиган домла Давидов аълочиларга моддий рағбат бўлсин, дея ўз фахрийлик пенсиясидан ўқувчиларга стипендия беришга қарор қилди. Бундай саховатга Бўз туманидаги 15, 5-ўрта мактаб ўқувчиларидан 13 нафари сазовор бўлишди.

— Мен бир қанча йиллар таълим соҳасида ишлаб, нонимни мактабдан топганман. Фарзандларимни баҳоли қудрат тарбияладим, ўқитдим. 13 нафар ўқувчига бераётган арзимаган 100 сўмим мамлакатимга юз карра ортиқча бўлиб келса хурсандман.

Домла Давидов ўзининг табаррук 83 ёшини қаршилаш арафасида. Биз халқ таълими филойиси М. Давидовга узоқ умр, бахт-саодат, саломатлик тилаймиз.

И. БЕКНАЗАРОВ.
Н. РЎЗИЕВ.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 1993 йил 12 май сонида босилган «Синовлар қандай ўтказилади?» сарлавҳали методик тавсиянинг 1-хатбошида англашилмовчиликка йўл қўйилганлиги учун муҳтарам муаллимларимиздан узр сўраймиз.

1-хатбоши охиридаги «9-синфда она тилидан ижодий баён, адабиётдан оғзаки битириш имтиҳонлари ўтказилади» деган жумла «9-синфда она тилидан таълимий баён битириш имтиҳони ўтказилади» деб тузатиб ўқилсин.

Республика Ўқув-методика маркази.

Сессия материалларини ўрганамиз

«БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙЛИК!»

ЎРТА МАКТАБЛАРДА, ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМДА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА, ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАРГОҲЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТЛАРИДА, МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси республикамизда қисқа даврда амалга оширилган улкан ишларга ижобий баҳо бериш билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирларни белгилаб берди. Жумҳуриятимиз солномасида зарҳал битиклар билан белгиланиб қоладиган мазкур сессия кенг меҳнаткашлар оммасига катта қизиқиш уйғотиб, оқилона фикр юритишга, меҳнатга ижобий ёндашиб, мустақиллигимизни жиддийроқ ҳимоя қилишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, келажакка тамал тошини мустаҳкамроқ қўйишга даъват этмоқда.

Худди шундан келиб чиққан ҳолда, яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқув-методика марказида республика Президенти Ислом Каримовнинг шу йил апрель ойида Сурхондарё вилояти халқ депутатлари билан бўлган учрашувидаги ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқлари асосида республика халқ таълими тасарруфидаги ўқув муассасалари ва мактабдан ташқари ташкилотлар ходимларининг ана шу мавзуга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилояти халқ депутатлари ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқларидан келиб чиққан ҳолда халқ таълими тизими ходимлари олдида турган долзарб масалалар хусусида маъруза қилди. Жумладан, республика мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, педагогика институтлари ҳамда билим юртлари, умуман, таълим тизимидаги ҳозирги аҳвол, келажакда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар хусусида фикр юритди. Шунингдек, Республика Президенти Ислом Каримовнинг юқорида баён этилган нутқларини чуқур ўрганиш, аниқ тадбирлар тузиб иш олиб бориш тавсия этилди.

Ушбу тавсияга кўра илм масканларида юқорида қайд этилган материалларни ўрганиш учун тўрт соат белгиланди. Қуйида ана шу режа, машғулотлар тартиби ва мундарижасини эълон қиляпмиз.

ЎҚУВ РЕЖАЛАРИ

Режанинг номи	Машғулот турлари: Суҳбат, лекция, доклад	Машғулот турлари: амалий машғулот
1. Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури ва уни халққа тушунтириш йўл-йўриқлари	1	—
2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, унинг мақсад ва вазифалари	1	—
3. Республика фуқароларининг тинчлиги ва миллий тотувлиги — энг муҳим масала.	1	—
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Президент фармонлари халқ ғамхўрлигига қаратилган ҳужжатлардир.	1	—
5. Сессия қатнашчилари иштирокида учрашувлар ўтказиш ва уларнинг депутат сифатида олиб бораётган ишлари билан ёшларни таништириш.	—	2

1-машғулот.
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ВА УНИ ХАЛҚҚА ТУШУНТИРИШ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ

Мазкур мавзуни ўтишда ўқитувчи Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жумҳуриятимиз раҳбарияти асосий эътиборни мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилашга қаратгани, халқимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва шу мақсадни амалга ошириш йўлида республика Президенти И. А. Каримов олиб бораётган одилона сиёсат ҳақида тушунча беради.

Ўқитувчи тингловчилар диққатини республика Президенти нутқидаги асосий масала — маънавий ислоҳотлар қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, ота-боболаримиз қадриятларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш каби шарафли вазифаларга қаратади.

Шундан сўнг И. А. Каримовнинг «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва қаётга татбиқ этиш» ҳақидаги фикрларининг мазмунини очиб бериш зарур. Чунончи, миллий истиқлол мафкураси аввалги ҳар қандай мафкуралардан фарқ қилади. Ў халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига умуминсоний қадриятларига садоқат, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, адолат, маърифат туйғуларини кишилар онгига сингдиришга асосланган. Бу вазифани амалга оширишда, барча зиёлилар, айниқса, ўқитувчиларнинг хизматлари каттадир.

Ўқитувчи бу ўринда И. А. Каримовнинг шу йил апрель ойида республикамиздаги бир гуруҳ таниқли ёзувчилар билан ўтказган учрашуви материалларидан кенг фойдаланиши лозим. Шундан сўнг тингловчилар диққатига республика Президентининг соғлом авлод тақдири учун қилаётган ғамхўрлиги, бу борада яқинда таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени ва ундан кўзланган мақсад, Ўзбекистоннинг келажаги учун соғлом авлодлар кераклиги, бунинг учун давлат ҳеч нарсани аямаслигини аниқ мисоллар асосида баён этади. И. А. Каримовнинг Сурхондарё вилоятидаги йиғилишда сўзлаган нутқига алоҳида тўхталиб ўқитувчиларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги вазифалари хусусида гапиради.

«Соғлом авлод учун» ордени ҳақида тўхталганда бу орден билан энг яхши, болаларга ғамхўр, тажрибали ўқитувчиларни мукофотлаш ҳам кўзда тутилганлигини тушунтиради. Шунингдек, ўқитувчи асосий эътиборни давлатимизнинг ҳақиқий ўғлонларини, тинчлигимиз посбонларини камол топтириш каби масалаларга қаратмоғи лозим. Шу билан бирга одамлар орасида Ўзбекистоннинг келажаги учун бефарқлик билан муносабатда бўлиш, лоқайдлик каби хисматларнинг ярамас иллат эканлигини тегишли мисоллар билан тушунтириб бермоғи зарур. Шундай қилиш керакки, Ўзбекистонда яшаётган, шу заминнинг ҳавосидан нафас олаётган ҳар бир фуқаро шу диёрга кўнгил қўйсин, Ватан истиқболи учун ўқиш ва меҳнат қилишда ўзини масъул сезсин.

II машғулот.
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ, УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Бу машғулотда Марказий Осиё ва бошқа республикалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамдўстликнинг муҳим аҳамияти ҳақида гапирилади. Бунда ўқитувчи Марказий Осиё республикаларига, шунингдек, Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларга Ўзбекистон нималар беради ва улардан нималар олади — аниқ мисоллар билан тушунтириб беради.

Ўқитувчи машғулот давомида И. А. Каримовнинг Германияга қилган расмий сафари натижаларига алоҳида тўхталади. Бунда «Франкфуртер альгемайне» газетасининг 1993 йил 10 апрель сонида босилган мақоладан фойдаланиши лозим.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида гап кетар экан, республика Президентининг бу масалада одилона иш тутиб, муҳим масалалар билан чиққанлиги, айрим жойлардаги хунрезликларнинг туб моҳиятини дадил очиб ташлаганлигини, бу масалага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳам диққатини жалб этганлигини, Президентимизнинг сезгирлик билан олиб борган сиёсати эндиликда ижобий натижалар бера бошлаганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Мазкур мавзу ўрганилаётганда И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил) рисоласидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

III машғулот.
РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИГИ — ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мазкур мавзуга ғоят жиддий аҳамият бериб, «Республикада фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ички ва ташқи сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмидир» деди. Чиндан ҳам ҳозирги вақтда кўп миллатли Ўзбекистонда бу энг жиддий масаладир. Ўқитувчи республика Президентининг Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллатни тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун олиб бораётган сиёсати моҳиятини тушунтириб беради. Миллий тотувликни барбод этишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат амалдаги қонунларга мувофиқ қаттиқ жазоланишини уқтиради. Халқлар дўстлиги, байналмилал тарбия ҳақида кенг мулоҳаза юритади. Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласида ҳамда «Комсомольская правда» рўзномаси мухбирининг саволларига жавоблари ва бошқа суҳбатларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, ўтган йил бу борада амалга оширилган муҳим ютуқлар, қисқа даврда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги, енгил саноатнинг бир неча фоиз ўсганлиги, нефть, газ қазиб чиқаришда жиддий силжишлар борлиги, бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари — биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар ва қўшма корхоналарнинг шаклланганлиги;

қишлоқ хўжалигида ислоҳот янада такомиллашаётганлиги, йил бошидан буён республикада юзлаб совхозлар давлат тасарруфидан чиқарилгани, уларнинг кўп қисми жамоа ва ширкат хўжаликларига айлантирилгани, бир қисми эса ижарачиларга берилгани;

апрелнинг бошларига келиб қишлоқ хўжалигида бир неча мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжаликлари тузилгани, уларга минглаб гектар ерларнинг бириктирилгани ҳақида фикр юритилади.

Республика Президенти халқ депутатларига, сессия қатнашчиларига жорий йилнинг фақат биринчи чорагида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига 35 миллиарддан ортиқроқ сўм ҳаражат қилингани, улар жуда кўп соҳаларга сарфлангани, шулардан аҳолига зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа нархларидаги фарқни қоплашга 23 миллиард, мактаб ўқувчиларига бепул нонушта бериш ва уларни имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилишга 2 миллиард сўмдан ортиқ, талабаларнинг имтиёзли овқатланишига 440 миллион сўм сарфлангани, болали оилаларга, келин-куёвларга қарийб 4 миллиард сўм миқдорида товон пули (компенсация) тўланаётгани, ҳомиладор аёллар, ёш болалар ва қарамоғида ҳеч кими бўлмаган ёлғиз нафақачиларни бепул овқатлантириш учун давлат бюджетидан 300 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланганини маълум қилди.

Ўқитувчи юқорида келтирилган далилларни баён этибгина қолмай, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар, янги очилаётган лицей, коллежлар, иқтидорли болалар мактаблари, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши ҳақида ҳам қўшимча маълумотлар бериши лозим. Шу билан бирга И. А. Каримовнинг нутқида таъкидланганидек, 1992 йил мобайнида нархнавонинг муттасил ўсиши билан иш ҳақи, нафақалар, стипендияларни ошириш тўғрисида 6 марта махсус Фармон чиқарилгани, шу мақсадлар учун 150 миллиард сўмдан ортиқ пул сарфлангани, шундан 85 миллиард сўм давлат бюджетидан ажратилганлигини тушунтириб беради.

IV машғулот
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ ХАЛҚ ҒАМХЎРЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАРДИР

Бу муҳим мавзуни ўтаётганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига И. А. Каримов томонидан берилган баҳога жиддий тўхталиш лозим: «Конституция — барча иқтисодий ислоҳотларнинг ҳам, маънавий ислоҳотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилади...». Бу ҳужжат илғор ғояларни ўзида мужассам этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганлигини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда.

Ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилишда халқ ва депутатлар ўртасида якдиллик муносабатларининг вужудга келганлигини таъкидлайди, бошқа республикаларда ўз Конституциясини қабул қилишда пайдо бўлаётган айрим қийинчиликлар, муаммолар ҳақида гапиради. Ушбу мавзуни тушунтиришда республика Президенти И. А. Каримовнинг қонунчилик борасида қилинган улкан меҳнат қадрига етмаётган, бепарво, лоқайд раҳбар ва фаоллар учраб тургани ҳақида қайғуриб гапирганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Шундан сўнг ўқувчиларга республикамиз Президенти нутқидан ўрин олган:

— жиноятчилик, талончилик ва ўғрилик қилаётган, нопок, қўли эгри кимсаларга қарши бошланган кураш;

— халқ орасида адолат ўрнатиш, адолат тарозисини бузмаслик;

— мансаб курсисида ўтириб шахсий бойлик орттириш йўлига кириб кетган, халқни ўйламаётган кишиларга нисбатан кўрилаётган жиддий чоралар;

— қариндош-уруғчиликка берилиб, оддий кишиларни ўйламаётганларга нисбатан муросасиз бўлиш каби масалалар очиб берилиши лозим.

Мазкур нутқда яна бир энг муҳим масала, Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги гапларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

«...Президентлик лавозимида ўтирган одам ҳам сизга ўхшаган бир инсон. Уни доҳийлаштириш шарт эмас. Умуман, мен сохта обрўга қаршиман. Афсуски, кейинги пайтларда менинг шахсимни улуғлаш касали пайдо бўлаяпти... Сезиб қолдимки, кўчаларда ҳам битта-иккита суратларим пайдо бўлаяпти. Бунга чек қўйиш керак.

Агар менинг камтарона хизматим маъқул бўлса, халқимизга минг бор қуллуқ, таъзим қиламан. Лекин биродарлар, бу — менинг раҳбарлик бурчим, халқимга фарзандлик бурчим».

Шундан сўнг кейинги пайтларда турли-туман мажлис ва йиғилиш иштирокчиларидан республика Президентига садоқат изҳор этувчи хатлар кела бошлагани, бунинг ўрнига, мазкур нутқда айтилганидек, жойларда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида фаол меҳнат қилиш. Бободаримизнинг узоқ йиллар пойпол этилган орзу-умидларини рўёбга чиқариш, буюк Ўзбекистон давлатини янада мустаҳкамлашга халқни сафарбар этиш ва оламга танитиш йўлида аниқ ишлар қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни тушунтириш керак.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АСОСИЙ МАНБАЛАР

1. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик!». Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 6 май куни республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 1993 йил.

2. И. А. Каримов. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

3. «Катта оға» бўлмаслик керак». «Тошкент оқшоми», 1993 йил, 6 май.

4. «Элни Ватан манфаати бирлаштиради». (Ислом Каримовнинг Республикадаги бир гуруҳ таниқли ёзувчилар билан учрашуви). «Халқ сўзи», 1993 йил. 6 май.

5. И. А. Каримов. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

7. И. А. Каримовнинг 1993 йил 13 апрелда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашида сўзлаган нутқи.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ МУАЛЛИМ

Сиз суратда кўриб турган муаллимни кўпчилик педагоглар жуда яхши билишади. Табиатан хушфеъл, ҳазилкаш, бир гапириб, ўн кулдирадиганлардан. Қозоқларга хос бундай ажойиб хислатли муаллимни дўстлари баъзан қозоқ оқини ҳам дейишади. Аслида ҳам худди шундай. Қидирбой Тулебоев қозоқ элининг фарзанди. Лекин, умри бино бўлибдики, ҳаётга тетапоя қила бошлаганидан буён ўзбеклар орасида ўсди, шу тилда мактаб, олий илмгоҳни тугатди. Қарангки, танлаган касби ҳам муаллимлик. Муаллим бўлса-да, ўзи учун энг мураккаб фанни — ўзбек тили ва адабиёти мутахассислигини танлади.

Ўйлаб топилгандан, танлаб отилган маъқул, — дейишади донолар. Қидирбой ака ҳам муаллимлик касбини танлаб кам бўлмади. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини тугатгач, муаллимлик фаолиятини Ўртасарой туманидаги 24-мактабдан бошлади. Кўп ўтмай уни Қорасув туманидаги 52-мактабга илмий бўлим мудири, кейинроқ эса директорликка сайлашди. Раҳбарлик қилган йиллари илмгоҳда таълим-тарбияни йўлга қўйиш, замонавий типдаги мактабни бунёд этиш ва унинг моддий базасини юксалтиришдек хайрли ишларни поёнига етказди.

Орадан йиллар ўтди. Ҳаётини мактабга, ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муаллим ўз соҳаси бўйича билимларини мустаҳкамлаб, ёшларга сарфлайверди. Шу касб кетидан элга танилди, рўзғор тебратди, фарзандларини камолга етказди. Мана, ўттиз йилдирки, Қидирбой ака Тошкентдаги 230-мактабда фаолият кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак, ёш муаллимларга эса мураббийлик қилиб келмоқда. Ҳамза туманида унинг ишлари, узоқ йиллик педагоглик тажрибалари оммалаштирилди, айни пайтда ҳамкасблари ундан фойдаланишмоқда.

Дарвоқе, юқорида таъкидлаганимиздек, уни фақат тумандагина эмас, балки жумҳуриятимиз педагоглари ҳам яхши билишади. Чунки Қидирбой ака нафақат муаллим, балки тажрибали, фаол педагог-журналист ҳамдир. «Бола бошидан», «Ўқитувчи ўқувчи ҳақида», «Қуш уясида кўрганини...», «Одобли бола элга манзур», «Ўғлини уяга, қизини...», «Оилада ота-она ўрни», «45 дақиқали дарсларни кузатганда», «Мактабда Навоийни ўтиш», «Ўйғуннинг «Куз» шеърини ўтиш тажрибасидан», «Мактабда меҳнат тарбияси» каби ўнлаб методик ва одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолалари жумҳурият матбуот нашрларида чоп этилган.

Эндиликда мустақил республиканинг келажак пойдеворини яратиш, бу хайрли ишга ёш ҳамкасбларини ҳам жалб этишга Қидирбой Тулебоев бош-қош бўлмоқда.

СУРАТДА: Қ. Тулебоев ўқувчилар даврасида.

Х. МИРЗАКАРИМОВ суратга олган.

ОТАЛИҚ ҲИММАТИ

Б. Омонов номли 18-ўрта мактабда бўлиб ўтган ота-оналар йиғилишида ўқув масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув йилига ҳозирлик кўриш ҳақида гап борди. Йиғилишда сўзга чиққан Найман шўро кенгашининг раиси Усмонжон Мақсудов мактабга 200 килограмм бўёқ олиб беришни ваъда қилди. «Ойдин булоқ» жамоа хўжалиги бошқаруви ҳайъатининг раиси Шаробиддин Каримов эса мактабнинг газ билан ёритилиши рўёбга чиқарилажагини айтди.

Найман технологик мосламалар фабрикаси директори Ҳакимжон Мелибоев ҳам мактабга моддий ёрдам кўрсатилиши ҳақида гапирди.

Ота-оналар йиғилишида сўзга чиққан кишилар ўз фарзандлари таълим оладиган мактаб учун бажонидил ёрдам кўрсатажакларини айтишди.

Т. ҒОЙИПОВ,
Андижон тумани.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Янгиланиш, покланиш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг устворлигини янада барқарорлаштириш ва унинг ҳимоясига тайёр турадиган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш даврнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Зотан, донолардан бири айтганидек, соғлом танда соғлом ақл камол топиши шарт. Ўша ақлни ишлатиш, уни нурлантириш учун эса бадантарбия сув билан ҳаводай зарур. Мактаб ўқувчисию, олий таълим талабасидан тортиб аспиранту ишчигача соғлом бўлмаса фикрини чархлай олмайди, иш юрита олмайди. Ватан постида хизмат бурчини ўтаётган солдат ҳам жисман бақувват бўлмаса ҳарбий билим ва тажрибани ўрганишда ожизлик қилади. Демак, истиқлолга эришган авлод соғлом бўлиши даркор. Давримиз чақириғи шундай!

Ҳа, мустақил Ўзбекистоннинг тақдири, келажаги кўп жиҳатдан жисмоний камол топган бақувват ёш авлод — олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчи-талабалари, бўлажак мутахассисларнинг — эломонларнинг меҳнату, билими ва иқтидорига боғлиқ. Президентимиз фармонлари билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ва шу номдаги фонднинг тузилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Яқинда Тошкент давлат университети маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, халқ таълими вазирлиги, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, маданият ишлари ва молия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси, республика ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси ва республика матлубот уюшмалари билан ҳамкорликда ўтказилган фаолларнинг қўшма йиғилиши шу долзарб масалага бағишланди. Йиғилишга олий ўқув юртлари, техникумлар ректорлари, директорлар, жисмоний тарбия спорт клублари, қўмита ва ташкилот раҳбарлари таклиф қилиндилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари И. Турсунов кириш сўзи билан очди. Сўнг у республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволи, уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида маъруза қилди. Нотиқ кун сайин қийинчиликларни енгиб истиқлолга эришаётган халқимизнинг ютуқлари ва келажак ишлари ҳақида бир қатор фикрларни ўртага ташлади.

Республикамиз раҳбариятининг олиб бораётган одилона ташқи ва ички сиёсати, дадиллик, жасорат, ташаббускорликни олдиндан кўра билиши туфайли халқимизнинг тинчлик ва осойишталиги сақланмоқда, маънавий қадриятлар тикланмоқда...

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раиси ўринбосари К. Юсупов, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси раиси ўринбосари М. Умархўжаев, Тошкент давлат университети проректори А. Юсуповларнинг қилган маърузалари бадантарбия ва спортнинг муҳим муаммоларига бағишланди. Маърузалар юзасидан ўтказилган музокаралар, спортчи ва санъаткорларнинг чиқишлари ва шўҳбаларга бўлиниб ўтказилган машғулотларда қимматли фикр ва таклифлар баён этилди.

Ҳукумат қарор ва кўрсатмаларида республикамизда жисмоний тарбияга катта эътибор берилмоқда, унинг келажагини белгилаб бериш учун муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Ўтган йил 14 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуни» фикримизнинг далилидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли рисолаларида ҳам бу масалага катта эътибор берилган.

Чиндан ҳам маънавий камолотга эришмасдан туриб, сиёсий ва иқтисодий камолотга эришиб бўлмайди. Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан педагог-олимлар, илм-фан, маданият, жисмоний тарбия ходимлари, спорт усталари ва тренерлар бутун куч ва ғайратлари, истеъдодлари ва билимларини республикамиз равнақи учун сарф этажакларини изҳор этишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш бўйича фаоллар қўшма мажлисида Президентимиз И. Каримов номига мурожаатнома қабул қилинди.

Махсус мухбиримиз.

Очиқ мулоқот

ИМТИҲОН-ҲАММАНИ СИНАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси 14 май куни умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларда битирув ва синфдан синфга кўчирув имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича телефон орқали очиқ мулоқот ўтказди. Саволларга бошқарма бошлиғи ўринбосари **Г. Алимова**, бош мутахассис **М. Шафиев**, етакчи мутахассислар **К. Этамбердиев**, **З. Жалолиддинов**, назоратчи услубчилар **И. Мельникова**, **Ш. Орипова**лар жавоб бердилар. Мулоқот тафсилоти қуйида муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётир.

Ҳ. Очилов, Қашқадарё вилояти Китоб тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири:

— **Имтиҳон матнларини ким тайёрлайди?**

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1993 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳунартехника билим юртларида 1992—93 ўқув йилининг якуни, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида»ги 41-буйруғига асосан синфдан синфга кўчириш имтиҳон материалларини умумтаълим мактаблари тайёрлашади, (метод бирлашмада тасдиқланади). Битириш имтиҳонлари материаллари (диктант, баён, тест) вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида, оғзаки имтиҳон билетлари республика ўқув-методика маркази томонидан тузилади.

— **Тест синовларини ўтказиш мажбурий эмасми?**

— Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда битириш имтиҳонларини тест асосида ўтказишга рухсат берилган. Демак, тест синовлари мажбурий эмас.

А. Холматова, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 165-мактаб ўқитувчиси:

— **Синфдан-синфга кўчириш ва битирув имтиҳонларида тестлардан фойдаланиш мумкинми?**

— Илм маскани ўқитувчилари тест синовларига етарли тайёргарлик кўришган бўлса ва уни мактаб педагогика кенгаши тасдиқласа, албатта, мумкин.

Б. Магдиева, Тошкент шаҳридаги 70-мактаб ўқитувчиси:

— **31 майда қурбон ҳайити экан. Буйруққа кўра ёзма имтиҳон белгиланган. Бундай ҳолатда қандай йўл тутмоқ керак?**

— Ёзма имтиҳон 1 июнга кўчирилди. Бу ҳақда вазирликнинг махсус хатв барча вилоятларга юборилди.

— **Агар ўқувчи имтиҳон даврида оғир касаллик билан касалхонага тушиб қолди, дейлик, бундай вазиятда қандай иш тутиш мумкин?**

— Ўқувчиларга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан касаллиги бўйича тиббиёт комиссияси хулосаси асосида озод қилиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади. Белгиланган касалликлар рўйхатига кирган ўқувчилар имтиҳонлардан озод этилади.

Л. Костникова, Тошкент шаҳридаги 8-кечки ўрта мактабнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— **Агар 12-синф битирувчисининг баҳолари яхши, ҳулқи ёмон бўлса, у имтиҳонларга қўйиладими?**

— Амалдаги йўриқномага кўра, бундай ўқувчи имтиҳонларга қўйилмайди.

И. Мадатов, Қашқадарё вилояти Қарши тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири:

— **Синфдан-синфга ўтаётган ўқувчининг ўқув фанларидан 2 та «икки» баҳоси бўлган тақдирда нима қилмоқ керак? Умуман, имтиҳонларда қониқарсиз баҳо олган ўқувчилар синфда қолдириладими?**

— Ўқувчини иккинчи йил 1-синфда қолдириш ҳақидаги қарор ўқувчининг ўзлаштиришини ҳамда тиббий-педагогик комиссия хулосасини ҳисобга олган ҳолда методик кенгаш тақдимига кўра мактаб (педагогика) кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин.

Ўқувчининг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги маълумотнома мактаб шифокори (қишлоқ жойларда туман педиатри), мактаб жойлашган туманда фаолият кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси бош шифокоридан иборат тиббиёт комиссияси томонидан берилади.

Она тили ва математика фанлари бўйича ўқув дастурини уддалай олмаган 2—4-синф ўқувчилари методик кенгашнинг тавсияси ва мактаб (педагогик) кенгаши қарорига кўра шу синфда иккинчи йил қайта ўқиш учун қолдирилишлари ва улар учун керак бўлса якка тартибдаги ўқув режасидан фойдаланиш мумкин.

Иккитадан ортиқ бўлмаган фандан қониқарсиз йиллик, якуний баҳоларга эга бўлган 5—6-синф ўқувчилари шу фанлар бўйича топшириқлар олишади, бундай ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш масаласи ўқув топшириқларининг бажарилишига ёки ўқув йили бошлангунга қадар қайта имтиҳон топшириш натижаларига қараб ҳал этилади.

(Давоми 4-бетда).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азизамиз, меҳрибонимиз Рисҳол ИБРАГИМОВА!

Сиз хонадонимиз файзу баракаси, порлаб турган қуёшисиз. Сиз борсизки, кунларимиз мунаввар, кўнглимизда қувонч.

Ўттиз йилдирки, ўқитувчилик касбини ардоқлаб келяпсиз. Минглаб шогирдларингиз Сиздан миннатдор.

Бугун уйимизда қутлуғ байрам. Таваллуд кунингиз, 50 ёшингизни нишонлаяпмиз. Улуғ айёмингиз қутлуғ, юрган йўлларингиз гул бўлсин.

Умр йўлдошингиз Раҳимжон ва фарзандларингиз.

Ҳурматли Нортожи УМАРОВА!

Таваллуд топганингизга 50 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизнинг мактабдаги таълим-тарбия ишларини юксалтиришдаги ҳалол меҳнатингиз билан фахрланамиз.

Узоқ умр, сиҳат-саломатлик доимо Сизга ҳамроҳ бўлсин!

Ўрта Чирчиқ туманидаги 47-мактаб ўқитувчилар жамоаси.

Ҳурматли падарбузрукворимиз Шодибой ИСОҚОВ!

Табаррук 50 ёшингиз муборак бўлсин! 30 йилдирки, ёшларга сабоқ бериб келяпсиз. Олтинсой туманидаги халқ таълими бўлими ходимлари ташаббускор ўқитувчи сифатида Сизни яхши билишади. Сермашаққат, аммо шарафли касбингизга барака, ўзингизга эса соғлиқ тилаймиз.

Фарзандларингиз: ИСКАНДАР, МУЗАФФАР, ИКРОМ, ИЛҲОМ, АБДУЛЛА, САОДАТ, САЛИМА.

Азиз волидан муҳтарамамиз МАМЛАКАТ опа!

Оналар бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратади дейишади. Бу гапнинг нақадар тўғри эканлигини биз Сизнинг тимсолингизда кўриб келаётирмиз Сиз 40 йилдан буён оналик ва устозлик юкини баб-баравар елкалаб келаётган мўътабар инсонсиз. Сизнинг таваллуд кунингиз биз фарзандларингиз учун энг улуғ байрамдир. Таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Бахтимизга ҳамиша соғу омон бўлинг!

Чексиз эҳтиром билан фарзандларингиз: ШАҲЛО, БАРНО, ГУЗАЛ, ЮЛДУЗ ВА ҚУНДУЗ ШОИСЛОМОВАЛАР.
Қибрай тумани, 25-мактаб.

Қадрли Ойша АБДУЛЛАЕВА!

Таваллуд топган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Сиз қатор йиллар ёш авлодни маърифатли қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келяпсиз. Узингизнинг куч-ғайратингиз, билим-маҳоратингизни ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга сарф этяпсиз.

Қутлуғ кун муносабати билан Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишда катта муваффақиятлар ва оилавий бахт-саодат, хотиржамлик тилаймиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 201-мактаб жамоаси.

Хавотир олманг

ЭРТАГА ФАРЗАНДИМ ТЕСТ ТОПШИРАДИ

Ҳаммаси шундан бошланди: 9-синфда ўқийдиган ўғлим мактабдан ҳаяжонда қайтиб келди. Гаплари ўлда-жўлда, ҳаракатлари бежо, диққати тарқоқ. Асабийлигининг сабабини аниқлаганимда, ўқитувчиси ҳафта охирида математикадан тест топширишларини эълон қилганлигини билдим. Мактабга телефон қилганимда, уларда амалий руҳшунос лавозимида ишловчи мутахассис йўқ эканлигини айтишди. Демак, менга маслаҳат ва йўл-йўриқ берувчи... Фарзандим эса айнан шу бугун катталарнинг — менинг ёрдамимга, маслаҳатимга муҳтож. Тарбияшуносликка, руҳшуносликка оид бўлган китоб ва қўлланмаларни тўплаб, ўз олдимга қўйган бир неча саволга жавоб излашга киришдим:

1. Тест ўзи нима?
2. Нега болада тестга нисбатан қўрқув пайдо бўлди?
3. Болада қандай қилиб тестга қизиқиш уйғотиш мумкин?

Ўқиб билганларимни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Шундай қилиб, тест деганда маълум мақсадда инсоннинг қобилиятини, турли руҳий ҳолатини, шахс фазилатларини ҳамда ўқувчилар ақлий заковатининг даражасини аниқлаб берувчи муайян синов топшириқлари мажмуига айтилар экан. Тестлар тизими тобора ривожланиб, ижтимоий ҳаётимизда турғун ўрин эгаллади. Ҳозирги кунда улар касб танлашда, фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлар даражасини аниқлашда кенг миқёсда қўлланиб келинмоқда. Кўпинча тест саволларига «ҳа-йўқ» жавобини бериш, келтирилган 3 та ёки 5 та жавобдан тўғрисини танлаш услублари ишлатилмоқда.

Демак, ўғлим математикадан тест топширар экан, ҳар бир қўйилган масалага берилган тахминий жавоблардан тўғрисини танлаши керак бўлади.

Хуллас, муаммонинг бир бўғини ечимини топиб, кейингисига киришдим: бола нимадан чўчиди? Муроджон:

— дарсларни яхши ўзлаштирмаганлиги

— тестлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги ёки

— саломатлиги яхши эмаслиги туфайли асабийлашган бўлиши мумкин. Булар эса, ўз навбатида, болада ўз кучига ишончсизлик, ёмон натижалар сабабли ота-онасидан танбеҳ эшитишдан ҳайиқиш каби ҳолатларни олиб келади. Шу заҳотиёқ Муроджонни ёнимга чақириб, суҳбатга тортдим. Унга тестлар ҳақида билиб олганларимни айтиб бердим. Ўзимиз ҳам тест тузиб кўришга ҳаракат қилдик. Қарабсизки, иккаламизнинг ҳам кайфиятимиз яхшиланиб кетди. Э-э, нимасини айтасиз, тест дегани қўрқинчли нарса эмас экан. Содда қилиб айтганда, «қозонда бори — чўмичга чиқар».

Биласизми, ҳозирги кунда кўплаб илмий-оммабоп китобларда ҳар хил тестлар чоп этилмоқда. Шулардан олиб, оила аъзоларим билан Муроджонни синаб кўрдик. Ўзимиз пайқамаган ҳолда унда тестларга нисбатан қизиқиш пайдо бўлди, бола ўзида янги, номаълум фазилатларини кашф этди. Тест билан ишлаш малака-кўникмалари ҳосил бўла бошлади. Бунда эса энг асосий қоидага дуч келдик, у ҳам бўлса, тестни бажариш тартибини қунт билан тинглаш ва кетма-кет синов топшириқларига жавоб беришдир. Бу қоидани ҳам пухта ўзлаштириб олдик.

Муроджоннинг тест билан ишлашини кузатиб, биз ота-она ва ўқитувчиларнинг бола тарбиясида йўл қўйган камчиликларимизни яққол кўрдим. Чунки билимларни текширишнинг тест шаклида амалга оширилиши ўқувчилардан ўқув йили давомида дастурда белгиланган тушунчаларни намоён қилишларини тақозо этади. Демак, ўқувчида:

— эшитиш қобилияти
— диққатни тўплаш
— сабр-тоқатлилик
— мантиқан фикрлаш
— қунт билан ишлаш
— синов топшириқларини тез ва аниқ бажариш каби кўникмалар шакилланган бўлиши зарур. Муроджоннинг эса диққати тарқоқ, сабр-тоқати йўқ бўлиб, албатта, улар тест натижасига бевосита таъсир кўрсатди. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун махсус машқларни бажардик. Мактаб ўқитувчиси билан маслаҳатлашиб, уларни давом эттиришни лозим топдик.

Бу ўринда нафақат ўғлим, балки мен ҳам тест топширишга тайёр бўлиб қолдим. Хулоса қилиб Муроджонга, унинг тенгдошлари ва мактаб битирувчиларига қадимдан келаётган панд-насиҳатни эслатмоқчиман: «Доно бўлишни истасанг — ўринли савол беришни, диққат билан тинглашни, шошмасдан, лўнда жавоб беришни ва, ниҳоят, ўз фикрингга эга бўлмасанг, вақтида сукут сақлашни ўргангил!».

...Эртага фарзандим тест топширади...

С. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент.

ГУЛАСАЛ ОЧГАН БОҒЧА

Гуласалларнинг хонадонини четдан кузатган киши жуда серфарзанд, болажонли оила эканми, дейди беихтиёр. Бу уйдан кичкинтойларнинг шод кулгилари, шўх қўшиқлари доимо таралиб туради. Гуласални ўнлаб болалар даврасида кўрган киши вой-бўй, шунча фарзандингиз борми, дейди беихтиёр. Чунки у кичкинтойларнинг барчасини ўз боласидек кўради.. Оқ ювиб, оқ тарайди.

Гуласал Асқарова ёшлигидан болажон бўлиб ўсди. Тарбиячиликка меҳр қўйди. Асакада мактабгача тарбия билим юртини тамомлагач. Шаҳрихондаги «Шодлик» болалар боғчасида 12 йил тарбиячи бўлиб ишлади. Бу йиллари тажриба тўплади, малакасини оширди. Ҳурмат-эътибор топди. Услубиятли тарбиячи унвонига сазовор бўлди. Гуласал янгиликка ўч эмасми, шунинг учун бўлса керак, умидли ғунчаларнинг ёрқин келажагини кўра билади. Кўплаб ҳамкасбларининг тажрибалари билан танишгач, ўз боғчаси очишга қарор қилди. Унинг ташаббусини шаҳар халқ таълими бўлими қўллаб-қувватлади. Ҳаш-паш дегунча қулай шароитлар вужудга келтирилди.

Ҳозир услубиятли тарбиячи уй боғчасида 10 нафар кичкинтой тарбия олмоқда. Уларнинг озиқ-овқат таъминоти яхши йўлга қўйилган. «Шодлик» болалар боғчаси ошпази Шоирахон Умарова лаззатли таомларни ўз вақтида етказиб турибди. Болаларнинг вақтида ухлаб дам олишлари, вақтида кўнгил очар машғулотлар билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар муҳайё.

Машрабжон РАҲМОНОВ,
Шаҳрихон туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ҒУНЧАЛАР АТРИ

Олисдаги тоғли қишлоқ муаллимаси — Хосиятхоннинг бу суврати қизғин учрашувларнинг бирида муҳрланганини дарҳол пайқаган бўлишингиз мумкин. Ўшанда мактаб ҳовлисидаги катта давра файзиёб; кўнгиллар равшан, лаҳзалар қувонч ва ҳаяжон туйғулари билан ороланган, айниқса, муаллиманинг, унинг баҳор навниҳолларидай дуркун ўқувчи ўғил-қизларининг шодликлари сарҳадсиз эди. Сезаяпман: «Хўш, қандай учрашувда?» дея савол беришга шайланиб турибсиз.

— «Наврўз» дами?

— Йўқ.

— Хотин-қизлар байрамидами?

— Тағин топмадингиз...

Яхшиси, «шаҳар беришингизни» кутиб ўтирмай, ўзим айта қолай. Бундан анчамунча вақт олдин Тошкентдан борган бир гуруҳ шоирларни қайси бир тўйдан кейин бир дўстимиз қишлоғидаги мактабга таклиф этиб қолди. У, айниқса, қишлоқ болалари шоирларни ўз даврасида кўришса, бирам қувонишини айтиб, меҳмонларни иззат-икром билан мактаб томон бошлади. Эҳтиромнинг, яъни дўстимизнинг сўзи синмади. Учрашув ғоят мароқли ўтди...

Хосият Шамсиева Қўшработ туманидаги Абу Али ибн Сино номли 62-ўрта мактабда адабиёт ва она тили фанидан дарс беради. Унинг муаллималик фаолиятига яқинда 20 йилдан ошди. Эндиликда Хосиятхоннинг шогирдлари тиниқ тоғ осмонидаги юлдузлардай бисёр. Ўзи эса бугунги кунда кўп фарзандли она. Фарзандларининг олди аллақачон мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган бўлса, бошқалари мактабда таҳсил олишаяпти. Хосиятхоннинг умр йўлдоши Ҳабибулла ака Қўшработ туманидаги Очил Қодиров номли ижара давлат хўжалиги марказий устахонасида бўлим бошлиғи. Оилада меҳнат ва маънавий тарбия устивор.

— Адабиётга ошуфта қалбда эзгулик куртак ёзади, — дейди муаллима биз билан суҳбатда. — Халқнинг оташзабон фарзанди Эргаш Жуманбулбул каби буюк бахшилар нафас олган бу юртда қишлоқча оддий ва самимий болажонларга сабоқ бераётганлигимдан фахрланаман. Адабиёт — сийратдаги яхшилик туйғуларини тарбиялайди. Мана, қаранг, даврадаги мушоира — шоирлар ташрифи ҳам юракка эҳтиросларни оловини ёқди. Шеърларни йиғилганлар бутун вужуди қулоққа айланиб тинглашди. Адабиёт ҳам, санъат ҳам шундай қудратга эга.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Бундай учрашувлар қишлоқларнинг чекка мактабларида деярли ўтказилмайди. Шаҳарларда эса йўриқ бошқа. Ўқувчиларим ойнаи жаҳондаги шеърият кечаларини томоша қилган куннинг эртаси ҳам, индини ҳам, унинг таассуротини узоқ-узоқ айтиб юришади. Тасодифни қарангки, мактабимиз тарихида бу учрашув илк бор бўлиб ўтди. Ўйлаймизки, бу анъана энди кунлар силсиласидай узилиш билмайди. Сизларга раҳмат!

Яна бир жуфт калом Хосиятхон ҳақида. У болажон халқнинг болажон муаллимаси сифатида ҳар бир дарсга меҳр билан ёндошади. Мактаб муаллимларининг кенгашларида дарс сифати ҳақида доимо куюнчаклик билан сўз юритади. Бошқа фанларга ўгай кўз билан қарашни асло ёқтирмайди.

— Ҳар бир фан, — дейди у, — инсон камолотига хизмат қилиши керак. У риёзиёт фаними, кимёми ёхуд жисмоний тарбиями — барибир. Улар яхлитлашганда билимлар мажмуасига айланади.

Дарвоқе, бу мактабда ўз касбининг фидойилари кўпчиликни ташкил этади. Абилқосим Холмуродов, Убайдулла Нарзуллаев, Алибек Эшбоқов ва Шукур Совуров каби кўп йиллик тажрибаси бор ўқитувчиларни шундайлар сирасига киритиш мумкин.

Хосиятхон бир пайтлари ўзи шогирд бўлган бўлса, эндиликда Иброҳим Жонтаев, Суннат Искандаров, Нурия Норқулова, Эшим Холмуродов сингари ўнлаб шогирдлари билан бир сафда меҳнат қилаяпти. Энди унинг ўзи устоз.

Устоз муаллима дарсга ошиқаяпти. Ўқувчилари унга мунтазир. Дарсдан кейин давра яна кенгаяди. Кўзлари жайрон-жайрон турли ёшдаги ўғил ва қизлар уни яна саволларга кўмиб ташлайди. Шубҳасизки, бу саволлар адабиёт ҳақида, ёзувчи ва шоирлар хусусида бўлади. Иншоолло, эзгулик куртаклари қалбларда баҳорий яп-роқ ёзади. Ғунчалар атри даврани муаттар айлайди. Эртага эса ғунчалар мева тугиб, ўз элининг қалб мулкини безайди...

Абдулла ТУРДИЕВ.

Ш. СУЛТОНОВ суратга олган.

(Газетанинг навбатдаги сони 26 майда чиқади).

ИМТИҲОН-ҲАММАНИ СИНАЙДИ

(Боши 3-бетда).

Ўқув фанлари бўйича уч ва ундан ортиқ йиллик ва якуний қониқарсиз баҳо олган, шунингдек, ёзги ўқув топшириқларини бажара олмаган ёки иккитадан ортиқ фанлар бўйича қайта имтиҳонлардан ўтолмаган 5—6-синф ўқувчилари такрор ўқиш учун ўз синфида қолдирилади.

Учтадан кўп бўлмаган қониқарсиз баҳога эга бўлган жумладан, имтиҳон топшириладиган фанлар бўйича ҳам кундузги, кечки ва мактаб-интернатларининг 7—9-синф ўқувчилари мактаб (педагогика) кенгаши ихтиёрига кўра синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларига киритилиши мумкин. 7—9-синф ўқувчилари имтиҳонларда қониқарсиз баҳо олганлари тақдирда ҳам уларга мазкур фанлар бўйича 1 сентябргача қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади. Синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини қайта топшириш вақти ўқув йили тугагандан кейин икки ҳафтадан сўнг мактаб (педагогика) кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади. Мактаб (педагогика) кенгаши 7—9-синф ўқувчиларини учтадан ортиқ бўлмаган йиллик ва якуний қониқарсиз баҳолар билан ҳам кейинги синфга кўчириш ёки такрор ўқиш учун ўз синфида қолдириш ҳуқуқига эга.

Мактаб (педагогика) кенгаши она тили бўйича қониқарсиз баҳоси бўлган 7—9-синф ўқувчиларига имтиҳонларга киритиш, синфдан-синфга кўчириш қоидасини татбиқ этмаслик ҳуқуқига эга. Ёзги ўқув топшириқлари берилган ўқувчиларга уларни бажаришда ёрдам кўрсатилмоғи лозим. Икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатли ёзги машғулотлар июнь ойида ва мактаб директори томонидан тасдиқланган муддатда ўтказилади.

10 (11)-синф ўқувчиси бир ёки иккита фандан қониқарсиз баҳо олган бўлса, уни синфдан синфга кўчириш ёки такрор ўқиш учун ўз синфида қолдиришни мактаб (педагогика) кенгаши қарори ҳал қилади (уч ва ундан кўп фандан қониқарсиз баҳо олган ўқувчи ўз синфида такрор ўқиш учун қолдирилади).

М. Қосимова, Тошкент шаҳар 5-кечки мактаб ўқитувчиси:

— 12-синф ўқувчилари буйруққа мувофиқ адабиёт фанидан имтиҳон топширадилар. Имтиҳон оғзаки бўладими ёки ёзмами?

— Имтиҳон турини мактаб (педагогика) кенгаши белгилайди. Мактаб кенгаши қарорига қараб улар адабиёт фанидан ёзма (диктант) ёки оғзаки имтиҳон топширадилар. Билетлар ва тестлар тавсияномаларда берилган.

Р. Зинурова, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг бўлим бошлиғи:

— Кундузги мактабларнинг 9-синфлари қандай баён ёзадилар. Баён ижодий ёки таълимий характерда бўладими?

— Ўқувчилар таълимий баён ёзишлари керак.

К. Ишмарданов, Ғазалкент шаҳридан:

— Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчилари қандай имтиҳон топширадилар?

— Тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида ўқитиладиган мактабларда битириш ва синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари мустақил республикалар халқ таълими вазирликларининг буйруқлари ва тузилган йўриқномалари асосида ўтказилади.

И. Абдуллаев, Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси инспектори:

— Имтиёзли шаҳодатномалар кимларга берилади?

— Умумий таянч (тўққиз йиллик) ва ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар бериш вазирлик ҳайъатининг 1993 йил 8 январдаги «Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган Низом асосида берилади.

— Аттестатлар қачон берилади?

— Ҳозир мазкур ҳужжат муқовалари Москва босмахоналарида тайёрланаяпти. Тошкентга олиб келиниши биланоқ у вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари томонидан илм масканларига тарқатилади.

— 9-синфни битираётган ўқувчи 11-синф ҳажмидаги имтиҳонни экстернат тартибида топшириши мумкинми?

— У қисқа фурсатларда 9-синф, кейин 10-синф ҳажмида нечоғли билимга эгалигини махсус комиссияга аниқлатиши лозим эди. Хуллас, даъвогар сал кечикди.

— Катталар таълими маркази битирувчиларига бериладиган гувоҳномага пул тўланадими?

— Кичик тиббиёт ҳамшираси мутахассислиги бўйича бериладиган гувоҳнома пуллик. Қолганлари белгиланган тартибда берилади.

Ф. Шарипова, Тошкент шаҳридаги 70-мактаб илмий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Учта чоракда «2», тўртинчи чоракда «3» баҳо олган ўрта мактабни битираётган ўқувчининг йиллик баҳоси қандай қўйилади?

— Битирувчи ўқувчи белгиланган пировард дастурни бажарган бўлса, тўртинчи чоракда ўқувчи билимида ўзгариш сезилса, у ҳолда ўқитувчи қониқарли баҳо қўйиш ҳуқуқига эга. Албатта, ўқувчи ўз устида пухта ишлаган бўлиши шарт.

Б. Акромов, Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини, Б. Назаров, Тошкент шаҳар 283-мактаб илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва бошқалар:

— «Маърифат» рўзномаси 12 май сонининг иккинчи саҳифасида РҲММ томонидан «Синовлар қандай ўтказилади» сарлавҳали мақолада «...9-синфда она тилидан ижодий баён, адабиётдан оғзаки битириш имтиҳонлари ўтказилади» дейилган. Ваҳоланки, буйруқда ундай ёзилмаган. Буни қандай тушуниш керак?

— Ҳар қандай шароитда ҳам буйруққа қараб иш тутган маъқул. Аслида 9-синфда адабиёт фанидан оғзаки имтиҳон ўтказилмайди. Тўғри, тавсия тарзида берилган мақола муаллимларимизни бир оз чалкаштирганлиги ҳақиқат. Ҳар ҳолда, азиз муштарийларимиз Республика ўқув-методика марказининг айрим ходимларини кечирадилар, деб ўйлаймиз.

Савол-жавобларни махсус мухбиримиз Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ ёзиб олди.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси эски ўзбек тили кафедрасининг муаллимаси Адолат Убайдуллаевага онаси

Маҳбубахон ҲИДОЯТ қизи

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти ректорати ва касаба уюшмаси ИФМ кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдуваҳоб Раҳимқориевга турмуш ўртоғи

Маъмура АЪЗАМОВА

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти ректорати, касаба уюшмаси малака ошириш мазмуни ва услублари лабораториясининг мудири

Муродқул ОТАҚУЛОВ

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Шеробод туманидаги 33-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эргаш ЖУМАЕВ

фожиали вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР БАҲСИ

Армия хизмати ёшлардан чидамлилик, кучлилик, чақконликни талаб этади. Шу мақсадда мактаб ўқувчиларининг жисмоний жиҳатдан чиниқишларига эътибор кучайтирилмоқда.

Пойтахтимиздаги 19-ўрта мактабнинг спорт майдончасида 10—11-синф ўқувчиларининг ҳарбий спорт ўйинлари финал мусобақалари ўтказилди.

Тўпланганларнинг қизғин олқишлари остида мактаб ўқувчиларининг югуриш, ёғоч оёқда юриш, арқон тортиш, жабрланганларга илк тиббий ёрдам кўрсатиш, тош кўтариш сингари соҳалар бўйича қизғин мусобақалари узоқ вақт давом этди.

Мусобақада 180-мактаб ўқувчилари биринчи, 19 ва 41-мактаб спортчилари эса иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Суратларда: ҳарбий-спорт тайёргарлиги мусобақаларидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ
суратга олган.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди — 21.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.